

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИНГ ЎРНИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2026-20-23-27>

Султонова Ётибор Сидиковна
сиёсий фанлари доктори, профессор
Жахон иқтисодиёти ва дипломатия
университети профессори

АННОТАЦИЯ

Мақолада гендер тенглик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида барча ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, давлат ва нодавлат ташиқлот вакиллари онларида аёллар ва эркекларни фуқаролар, ҳамда сиёсат субъектлари сифатидаги ўрнига доир норматив - ҳуқуқий меъёрларга диққат қаратилмоқда.

Калит сўзлар: халқаро муносабатлар трансформацияси, жамият тараққиёти, аёллар мавқеи, барқарорлик, фуқаролар, сиёсат субъектлари, гендер тенглик маданияти, халқаро ва миллий ҳуқуқий-меърий хужжатлар, ижтимоий билимлар ва кўникмалар, ижтимоий онни шакллантириш ва такомиллаштириш, давлат ва нодавлат тизимлар.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена рассмотрению роли нормативно-правовой базы, способствующей формированию и развитию культуры гендерного равенства представителей всех социальных групп, наций, государственных и негосударственных структур, осознанию значимости участия мужчин и женщин в этом процессе как граждан и субъектов политики.

Ключевые слова: Трансформация международных отношений, развитие общества, статус женщин, стабильность, граждане, субъекты политики, культура гендерного равенства, международная и национальная правовая база, социально значимые знания и навыки, формирование и совершенствование общественного сознания, государственные и негосударственные структуры.

ABSTRACT

The article focuses on shaping and developing a culture of gender equality by drawing attention to normative and legal standards concerning the role and status of women and men as citizens and as subjects of politics in the public consciousness of all social groups, ethnic communities, and representatives of state and non-state organizations.

Keywords: Transformation of international relations, social development, status of women, stability, citizens, political actors, culture of gender equality, international and national legal and regulatory documents, social knowledge and skills, formation and improvement of social consciousness, state and non-state systems.

Ҳар қандай давлат ва жамият тараққиёти муайян омиллар асосида ўзини кўрсатмоқда. Жумладан, 21 аср бошида халқаро муносабатлар майдонида қатор ўзгаришлар бўлмоқда. Улар бир томонлама, халқаро муносабатлар трансформацияси бўлаётган дунёни бошқариш мақсадида кучли етакчи давлатларни, сиёсий акторлар сифатида, агрессив ҳаракатларини намоён этмоқда, иккинчи томонлама, дунёда кескин равишда, мисли кўринмаган,

ижтимоий инқироз авж олмоқда. У умумий барқарорликка таъсир этувчи омиллар ҳисобланувчи: камбағаллик, қашшоқлик, турли юқумли касалликлар, оналар ва болалар ўлими, инсонларга, айниқса, аёлларга нисбатан турли хил зўравонликлар ўтказилиши, уюшган жиноятчилик, одам савдоси, миграцион жараёнлар, каби кўринишларда намоён бўлмоқда.

Ижтимоий барқарор тараққиётни таъминлашда аёллар масаласига, гендер сиёсатига тўғри муносабатда бўлиш учун, энг асосийси- ижтимоий онгни ўзгартириш, бунинг учун ҳар бир давлатда қонуний равишда, жинсидан қатъий назар, ривожланиш учун эркак ва аёлларга -инсоний шароитлар ва имтиёзлар яратиш ва улар моҳияти борасида кенг жамоатчиликка етказиш лозим, чунки афсуски, гендер маданияти кўпчилик давлатларда ханузгача етарли даражада эмас. Аёллар билан боғлиқ муаммолар “аёлларга хос муаммолар”,- деб баҳоланиб келинмоқда. Ваҳоланки - аёлларга у ёки бу муносабат - нафақат аёлларга, бутун жамият тараққиётига, унинг нечоғли юксак бўлишига, боғлиқ. Аёл бахтли бўлса - оила ва жамият бахтли бўладику! Демак, аёллар масаласига – “жиддий сиёсий йўналиш”,- деб қараш ва барча муаммоларни қонун доирасида ҳал қилиш керак! [1]

Аёлларни жамият томонидан юқори даражада бўлишидаги омиллардан ҳисобланувчи сиёсий ва ҳуқуқий асослар муҳимлигини 19 асрга келиб тушунилди. Аёлларга эндиликда сиёсий ҳуқуқларни бири ҳисобланувчи - сиёсий қарорларни қабул қилишда қатнашувлари, расмий равишда берила бошланди. “Аёллар эркаклар билан тенг равишда ҳокимият масалаларини ҳал этишга ҳақлидирлар”,- деган ғояга асосланиб, гендер тенгликни таъминлашда муҳим бўлган, аёлларга овоз бериш ҳуқуқи Янги Зеландия(1893), Австралия (1902), Финляндия (1906), Норвегия (1913) суффражистлар томонидан олдинга сурилди. 20 асрда АҚШ, Буюк Британияда ҳам ушбу сиёсий ҳуқуқ аёлларга берилган. 1990 йиллардан бери Пекин Ҳалқаро Конференция (1995 йили) аёллар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалаларини кенгроқ равишда, давлат томонидан, ҳал қилиниши лозимлиги тавсия этилди. 2015 йилдан 2030 йилгача БМТ томонидан Барқарор Ривожланиш мақсадлари ҳал этиш нуқтаи назардан ёндошиш таклиф этилди.

Гендер тенгликни таъминлашда институционал асос бўлишини инобатга олиб, бугунги кунда қатор давлатларда муайян ташкилотлар яратилди. Масалан, Исландияда Гендер тенглик Вазирлиги, Швецияда Гендер Тенглик бўйича Вазир, Гендер Тенглик бўйича Омбудсман (у асосан ирқ, диний эътиқод, ногиронлик, ёш асосида камситишга қарши курашади, фуқаролар шикоятларини қабул қилади, компаниялар ва инспекцияларни аёллар масалари борасида саволлар ҳал қилиниш даражасини инспекция қилади). Бундан ташқари, Канада, Швецияда гендер фокус группалари барча давлат ташкилотларида ташкил этилган. Уларда гендер масалалар бўйича масъул ходимлар, бўлимлар ташкил этилиб, гендер перспективаси таъминланиши, давлат томонидан қабул қилинаётган ислохотлар сиёсати,

лойихалар нечоғли гендер сиёсатини амалга оширишда таъсир этади, шунга асосланиб, давлатдаги вазият баҳоланади. Норвегияда SMART тамойилларига асосан 2018-2030 йилларга мўлжалланган Гендер тенглик стратегияси қабул қилиниб, мониторинг, баҳолаш механизмлари орқали гендер стереотипларга қарши курашиш, аёлларга нисбатан зўравонликни бартараф этиш, эркеклар ва аёллар ўртасида даромадни тенг тақсимлаш борасида мониторинг олиб борилади. Янги Ўзбекистон шароитида ҳам Республика оила ва хотин-қизлар Кўмитаси мавжуд, Гендер тенглик сиёсатида доир 2030 йилгача мўлжалланган Қонун қабул қилинган. Бу ва бошқа гендер масаласига доир қабул қилинган қонунчилик тўғрисида батафсил тўхталсак.

Гендер маданиятини ижтимоий онда шакллантириш ва ривожлантиришдаги Ўзбекистон тажрибаси. Дунё мамлакатлари қаторида халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринга эга бўлган Янги Ўзбекистоннинг давлат ва жамият тараққиёти доирасида аёлнинг ўрни, унинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти алоҳида аҳамият касб этади. Давлат сиёсатида: «Бугунги глобаллашув жараёнида янги авлоднинг ҳар қандай шароитга нисбатан фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масаласида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ўрни ва роли ҳар қачонгидан муҳим», - деб ҳисобланади.

Ўзбекистонда гендер сиёсатини, цивилизацион гендер маданиятини шакллантириш негизида қуйидаги йўналишлар алоҳида ўрин тутади:

1. Аёлни жинс сифатида эмас, балким келажакни яратувчи инсон сифатида, давлатда муҳим ўринга эгаллигига ижтимоий онга сингдиришни барча давлат ва нодавлат ташкилотлар, айниқса, хотин - қизлар, ёшлар, маънавий-маърифий ташкилотлар, ўзини - ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалар орқали оила аъзоларида тарбиялаш лозим. Шу боис ислохотларнинг асосий мазмуни - хотин-қизларнинг янги ғоя ва ташаббуслар билан чиқишларини қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган ислохотлар, ўзгаришлар ва ижтимоий-сиёсий жараёнларда, турли давлат, нодавлат ташкилотлар сайловларида, сиёсий партияларда фаол иштирок этишларини таъминлашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президенти қуйидаги сўзлари бунга асосдир: “Хозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларининг кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт”. Бу борада аёллар фарзандларига билим, илм - фан, тарбия, ватанга садоқат руҳини шакллантиришлари тўғрисида 19 аср мутаффакири Ризоуддин Ибн Фахритдин сўзларини эслаймиз: “Агарда буюк ва фазилатли одамларга эҳтиёжингиз бўлса, хотинларга буюклик ва фазилат ўргатингиз....Халқни тарбияли қилиш учун хотинларини тарбияламоқ ҳамда шу тарбияни улар болаларига ҳам бера оладиган даражага олиб бориши лозим. Агарда хотунлар орасида тарбия билан илм ёйилса, тарбия ҳам, ҳусни ахлоқ ҳам болаларга кўчади, эл юрт, халқ орасига тарқалади, маҳкам томирланади...Хотунлари тарбияли бўлган халқ тарбиялию, хотунлари тарбиясиз бўлган халқ-тарбиясиз, хотинлари тиришқоқ, тадбиркор иродали

бўлган ҳалқ бою, хотунлари ялқов ёки исрофгар бўлса, ҳалқ факир бўлиши аниқ” [2].

Демак, хотин-қизларнинг давлатимиздаги фаоллик ролини, интеллектуал салоҳиятини ошириш, фарзандлар тарбиясида буни тадбиқ этиш - гендер тенгликка эришишнинг сиёсий жиҳатлари муҳим ижтимоий ва сиёсий масала бўлиб, жамиятнинг ўсишини, барқарорлигини белгиловчи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

2. Сиёсий ислохотларда фаол бўлишида ҳар бир инсон гендер тенглик масаласини тўғри англаши учун ҳуқуқий билимларга эга бўлиши ва уларга онгли равишда риоя қилиши лозим.

Бу борада Халқаро ҳужжатларни билиши, уларни тушуниши ва уларга амал қилиши лозим. Жумладан, 1948 йилдаги “Инсон Ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”, 1965 йилги “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция”, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт” (1966), “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенция” (1949), 1979 йилдаги “Аёлларга нисбатан камситилишнинг барча шакллариغا бартараф этиш тўғрисидаги Конвенция”, 1989 йилдаги “Бола тўғрисидаги конвенция”, 2015 йилда қабул қилинган Барқарор Ривожланиш мақсадлари ва х.к лар. Уларга ҳамоҳанг равишда фуқаролар (эркаклар ва аёллар тенг равишда) миллий қонунчиликдан хабардор бўлиши лозим.

Қайд этишимиз лозимки, 2019 йилнинг 2 сентябрь куни “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинган. Қонунда илк бор миллий қонунчилигимизда “гендер” тушунчасига таъриф берилиб, давлат хизмати, сайлов жараёнлари, ижтимоий-иқтисодий, таълим, илм-фан, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун давлат томонидан тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилиши кафолатланди. Гендер тенгликни таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, парламент юқори палатасида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгашлари ташкил этилди [3].

2023 йилдаги Янгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аёллар, эркаклар, болаларни фуқаролар сифатида, қўшимча ҳуқуқлари, бурчлари ва эркинликлари кўрсатилган. Ушбу Қомусимизга асосланган қатор қонунлар, фармонларни ҳар бир фуқаро билиши лозим. Мисол учун, айтиш керакки, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган янги қонунлар ва дастурлар ишлаб чиқилди. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрь “Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-208-сонли фармони қабул қилинди. [4] Ўзбекистон Республикаси ”Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” ва “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида” қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони ва яна бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. [5] Булар хотин-қизларнинг таълим олиш (бакалавриат, магистратурада илмий иш билан шуғулланиш), тадбиркорлик, қўшимча иш билан таъминланиш, раҳбарлик лавозимларига тавсия этилиш, турли мукофотларга эга бўлишга имкон яратади.

Шундай қилиб, гендер маданияти сиёсати Ўзбекистонда шаклланиб, ҳуқуқий - меъёрий асосда такомиллашмоқда. Унинг асосида эса аёлга ҳурмат, иззат қонуний равишда белгиланиб, назоратда бўлмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президент мурожаатномаси. 26.12.2025 <https://president.uz/uz/lists/view/8834>
2. Ризоуддин ибн Фахрутдин. Оила. Т., 1991, 9-10 бб.
3. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2019 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаш-тиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-208-сонли фармони.
5. “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” Тошкент:, 2021.– 253 б.